

Бошқа ривоятда:

«Мунофиқларга энг оғир намоз Хуфтон ва Бомдод намозларидир. Агар у иккисидаги нарсани билганларида, эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Батаҳқиқ, намозга амр қилиб, у қоим қилинганда бир кишини одамларга намоз ўқиб беришини буюриб, сўнгра ўзим ўтин боғламларини кўтарган одамлар билан намозга ҳозир бўлмаган одамларнинг олдига бориб, уйларига устиларидан ўт қўйиб юборишни қасд қилдим», деганлар.

نَمَامٌ: لَأَقْمَلِسُو هِلَعِلِل صِيْبِنَلِنَعُ، نَعُ هِلَلِ يَضْرَأْدِرْدَلِ يَبَأْنَعُ
نَطِيْشَلِ مَهْيَلَعِ دَوَحْتَسَلِدَقِ اَلْاِلْاَصْلُ مَهْيَفِ مَأْتِ اَلْوَدْبِ اَلْوَهْيَرَقِ يَفِةَثْ اَلْث
دَمْحْ اَوِيْئَسْنَلْ اَوْدُوَادُ وُبْ اَهْ اَوْر. «ةَصِ اَقْلُ اَبْ ذَلْ اَلْ كُ اَيْ اَمْنِ اَفِ، ءَعَامْ جَلِبْ كُيْلَعَفِ
هَحْحَصْ وُ مَكْ اَحْلْ اَو.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қишлоқдами, саҳродами, уч киши бўлса-ю, улар ичида жамоат намози қоим қилинмаса, албатта, шайтон уларга эга чиқади. Жамоатни лозим тут. Айрилганни бўри ер», дедилар».

Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ, деган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди